

**МАНСАБПАРАСТЛИК** – мансабни яхши кўриш, мансабга интилишни ифода этувчи т. М. деганда ҳокимият тармоғининг бирор жабҳасида, давлат органларида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, давлат муниципал муассасаларида, ҳарбий тузилмаларда ташкилий, тақсимот, маъмурий, хўжалик функцияларини доимий ёки вақтинча бажараётган мансабдор шахснинг ўз шахсий манфаати йўлида давлат ёки жамиятнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига зиён етказиб ёки унга чап бериб, мансаб пиллапоясидан кўтарилишга ҳаракат қилиши тушунилади. Мансабга интиладиган, мансабни яхши кўрадиган, давлат ва жамият олдидаги масъулиятини ҳис этмайдиган, уни мақсадга эришиш воситаси деб ҳисоблайдиган кишилар мам-т, юрт ва миллат тақдири ҳақида қайғурмайди, пировардида оёғи ердан узилади. Президент Ислом Каримовраҳбар шахс фаолиятининг ижтимоий -маънавий аҳамияти ҳақида тўхталиб, “Энг ёмон нарса – бу одамнинг оёғи ердан узилишидир. Агарда ким қаерда туғилгани, кимнинг фарзанди эканини, қайси замин, қайси тупроқнинг сувини ичиб, тузини тотганини эсидан чиқарса, билингки, у ўзини бутунлай йўқотган бўлади. Бундай одамнинг келажаги бўлмайди”, - деб таъкидлайди. М. айниқса, собиқ мустабид тузум даврида авж олган эди. Мустақиллик йилларида мам-тимизда юксак маъ-ятли кадрларни тайёрлаш масаласига берилаётган эътибор ва замонавий раҳбар кадрлар тайёрлашнинг мутлақо янги механизми яратилгани ва амалиётга изчил татбиқ этилаётгани туфайли бундай иллатлар аста-секин барҳам топмоқда.